

Ислом молияси бўйича нуфузли халқаро ташкилот Ўзбекистон билан ҳамкорлик ўрнатди



Ислом молияси бўйича нуфузли халқаро ташкилот Ўзбекистон билан ҳамкорлик ўрнатди

18:50 / 24.05.2022 1446

Ислом молия муассасалари учун бухгалтерия ва аудиторлик ташкилоти - ААОIFI Ўзбекистоннинг «Islamic Business and Finance» корхонаси билан ҳамкорлик шартномасини имзолади. Эндиликда ушбу шартнома доирасида ААОIFI халқаро стандартлари (меъёрлари) асосида Ўзбекистонда мутахассисларни тайёрлаш, синовдан ўтказиш ва сертификатлаш амалга оширилиши мумкин бўлади.

Шартнома ушбу нуфузли ташкилотнинг 2022 йилнинг 15-16 май кунлари Баҳрайн пойтахти Манама шаҳрида бўлиб ўтган 20 йиллик анжумани давомида имзоланди. Шартномага кўра, Ўзбекистонда ташкил этиладиган марказ ААОIFI'нинг қуйидаги йўналишларида мутахассислар тайёрлаш ва синовларни ташкил этиш билан шуғулланади:

- Ислом молияси бўйича сертификатланган профессионал бухгалтер (CIPA);
- Шариат бўйича сертификатланган маслаҳатчи ва аудитор (CSAA);
- Молия ҳисоби стандартлари бўйича моҳирлик сертификати (CPFAS).

Шунингдек, ташкил этиладиган марказ ААОIFI стандартлари ва нашрларини Ўзбекистонда тақдим этиш, вазирлик ва идоралар билан ишлаш, ислом молияси бўйича тадбирлар ташкиллаштириш билан шуғулланади. Ушбу ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши Ўзбекистонда жорий этилиши кутилаётган ислом молияси ва банкчилиги соҳасининг жаҳон ислом молия саноати билан уйғунлашишига, хорижий ислом банклари, суғурта (такофул) ташкилотлари, жамғармалари, капитал бозори иштирокчилари билан самарали ҳамкорлик қилишига жиддий кўмак беради.

ААОIFI (Accounting and Auditing Organization for Islamic Financial Institutions) – Баҳрайн қироллиги пойтахти Манама шаҳрида жойлашган, ислом молия муассасалари ва соҳанинг бошқа иштирокчилари учун шариат, молия ҳисоби, бошқарув ва ахлоқ стандартлари (қоидалари) ишлаб чиқиш, уларни тарғиб қилиш, ушбу соҳа доирасида мутахассислар етиштириш, уларни имтиҳон қилиш ва малакасини ошириш билан шуғулланувчи мустақил халқаро ташкилотдир. ААОIFI фаолияти ислом молия муассасаларининг молиявий ҳисоботларидан фойдаланувчиларнинг ушбу муассасалар томонидан тайёрланадиган маълумотларга ишончини ошириш ҳамда ушбу фойдаланувчиларни ўз маблағларини ислом молия муассасаларига инвестиция қилиш, омонатга қўйиш ҳамда уларнинг хизматларидан фойдаланишга ундашга қаратилган.

Бугунги кунда ушбу ташкилотга 45 дан ортиқ мамлакатлардан марказий банклар, ислом молия муассасалари, ҳисоб-китоб (бухгалтерия), аудиторлик фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар ҳамда ҳуқуқ ва банк-молия соҳасида фаолият юритувчи бошқа ташкилотлар аъзодир.

Ҳозирги кунда ААОIFI'нинг шариат ва бошқарув стандартлари Сарф, Кафолат, Ҳавола, Муробаҳа, Ижара, Салам, Истисна, Мушорака, Музораба; Аккредитив, Жуала, Сукук, Қарз, Вакала, Такафул, Таварруқ, Вақф, Закот, ходимлар ёллаш; анъанавий банкни ислом банкига айлантириш, ликвидликни бошқариш, Шариат кенгашлари каби 60 дан ортиқ мавзунини қамраб олган. Ундан ташқари молия ҳисобини юритиш ва ҳисоботлар тайёрлаш бўйича 40 дан ортиқ стандартлар қабул қилинган.

Эслатиб ўтамиз, яқинда Ўзбекистонда микромолия ташкилотлари ислом молияси тамойиллари асосида фаолият олиб боришларига имконият яратувчи «Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида»ги Қонун имзоланди. Бундан ташқари Ислам тараққиёт банкнинг техник кўмаги асосида ислом банкчилигини,

шунингдек, ислом қимматли қоғозлари – сукукни татбиқ қилиш бўйича қонун лойиҳалари тайёрланмоқда.